

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси**

«11» февраль 2021 йил
№ 02-275

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги**

«11» февраль 2021 йил
№ 02-02/3-418

**Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош
бошқармаси ва вилоятлар
халқ таълими бошқармаларига**

**Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси ҳудудий
бўлимларига**

**Туман (шаҳар) халқ таълими
бўлимларига**

Сўнгги пайтларда умумий ўрта таълим муассасаларида пенсия ёшида бўлган педагог кадрларнинг малака тоифалари (лавозимлари) сақлаб қолиниши ҳамда уларнинг малака тоифаларига (лавозимларига) мутаносиб равишда ҳақ тўланиши юзасидан мурожаатлар сони ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг пенсия ёшида бўлган педагог кадрлари аттестацияга ўз хоҳишига кўра жалб этилиши, аттестацияга жалб этилмаган педагог кадрларнинг мавжуд малака тоифалари ва лавозимлари таълим муассасаларида ишлаган даврида сақланиб қолиши белгиланган.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори кучга кирган санадан, яъни 2019 йил 14 майдан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Юқоридагиларга кўра, малака тоифаси (лавозими) бўйича сертификатнинг амал қилиш муддати 2019 йил 14 майгача тугаган пенсия ёшида бўлган педагог кадрлар аттестацияга охириги малака тоифаси (лавозими) бўйича жалб этилади ҳамда юқоридаги Низомнинг 80-бандига асосан аттестациядан ўтгунга қадар уларга мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланади. Малака тоифаси (лавозими) бўйича сертификатнинг амал қилиш муддати 2019 йил 14 майдан кейин тугайдиган пенсия ёшидаги педагог кадрларнинг амалдаги малака тоифаси сақланиб қолади ҳамда сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан қатъий назар мазкур малака тоифаси (лавозими) бўйича ҳақ тўланади. Пенсия ёшидаги педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра аттестациядан ўтиб, малака тоифаси (лавозими) ўзгарган тақдирда, янги тасдиқланган малака тоифаси (лавозими) бўйича ҳақ тўланади.

Таълим инспекцияси бошлиғининг

биринчи ўринбосари



Х. Кетмонов

Халқ таълими вазирининг

биринчи ўринбосари



У. Шарифходжаев